*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

4 ОКТЯБРЬ 1966 й. 1-йил чиқиши. СЕШАНБА № 82. БАҲОСИ 2 ТИЙИН

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

## „СУВДЕК СЕРОБ БЎЛИНГ"

Болгар даҳасида артезиан қудуғи қазилди. Ундан чашмадек мусаффо сув отилиб чиқди. Унинг таъми тоғлар ва водийларнинг зилол сувидан қолишмайди.

Ҳамза темир йўл юк станцияси атрофида қазилган бу артезиан қудуқнинг сувидан фойдаланиш учун қувурлар ётқизила бошланди. Ҳозир қурувчилар хлороторни қуришга киришдилар. У яқин кунларда фойдаланишга топширилади.

Бундай артезиан қудуқлар яқин вақтлар ичида Шумилов темир йўл юк станциясида, Тошкент пассажир ва юк станциялари атрофларида ҳам қазилади.

## 3000 ТИНГЛОВЧИ

Бугун Чилонзор район «Билим» жамияти район халқ университетлари лекторларининг кенгашини ўтказди.

Йиғилишда район «Билим» жамиятининг раиси, юридик фанлари кандидати Т. Саъдуллаев янги ўқув йилида халқ университетларининг ўтказадиган бир қатор тадбирлари ҳақида гапирди.

Бу янги ўқув йилида мавжуд университетлардан ташқари яна тўртта университет ташкил қилинади. Университетларга лекциялар ўқиш учун элликдан ортиқ олимлар, новаторлар ва партия ходимлари жалб этилади. Университетларда уч мингдан ортиқ киши билим олади.

Район университетларида янги ўқув йилида Улуғ Октябрь революциясининг 50 йиллиги, ва В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигига бағишлаб бир қатор тадбирлар ўтказилади. Шунингдек, Чилонзорда янги уй-жойлар қураётган қардош бинокорлар ўртасида дўстлик учрашувлари ўтказишга алоҳида эътибор берилади.

**Бугунги янгиликлар**

## ЯНГИ ЦЕХ

Бугун Тошкентдаги 3-нон заводининг бош инженери Анна Павловна Кудряшева янги цехга ишчи кийимида келди. У механизациялаштирилган тандирлар олдига келди-да, соатига қаради, сўнгра тандирни очди. Инженер бир неча нонни узиб олди. Завод директори Х. Солихов улардан биттасини ушатди-да, ён-веридагиларга узата бошлади. Бир тишламдан тотинган кишилар инженерга «баракалла» дейишди. Янги цехда янгича нон ёпиш синовдан муваффақиятли ўтди.

Бу цех корхона коллективининг кучи билан бунёд этилди. Янги цех 16 октябрда — озиқ-овқат саноати ходимларининг байрамида ишга туширилади. У бир суткада 66 минг дона обинон ёпиб чиқаради. Бу цехда иккита механизациялаштирилган тандир ўрнатиб бўлинди. Улар табиий газ ёрдами билан ишлайди.

Бугун корхона коллективи 20 тона — 16 тонна обинон, тўрт тонна патир ёпиб берди.

# УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ ШАРАФИГА МУСОБАҚАНИ АВЖ ОЛДИРАЙЛИК!

### ЛЕНИН ОРДЕНЛИ «ТАШТЕКСТИЛЬМАШ» ЗАВОДИ БРИГАДАЛАРИ КОЛЛЕКТИВЛАРИНИНГ РЕСПУБЛИКА САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ КОММУНИСТИК МЕҲНАТ БРИГАДАЛАРИ КОЛЛЕКТИВЛАРИГА

# ОЧИҚ ХАТИ

**Азиз дўстлар, меҳнатдош биродарлар!**

Бугун биз «Тошкент оқшоми» саҳифасида ўзимизни ҳаяжонга солаётган фикрлар билан ўртоқлашмоқчимиз, ҳаётимизда муҳим воқеа бўлган КПСС XXIII съездининг тарихий қарорларини қандай қилиб тезроқ ва яхшироқ бажариш тўғрисида сизлар билан гаплашиб олмоқчимиз.

Партиямизнинг олий форуми коммунистик қурилишнинг муҳим проблемаларини ленинча ишчанлик ва теранлик билан муҳокама қилди, халқ хўжалигини ривожлантириш беш йиллик плани юзасидан Директиваларни тасдиқлади. Биз Директиваларни ўқиганимизда, унинг ҳар бир сатри ўз қўлимиз билан — ишчилар қўли билан ёзилгандек ҳис этдик. Совет кишиларининг орзу-истаклари, Ватанимизни янада яшнатиш, унинг қудратини ошириш тўғрисидаги фикр-ўйларимиз шу ажойиб ҳужжатда ёрқин акс этгандир.

Ишчилар синфи — партиянинг содиқ ва ишончли таянчи. Янги жамият қураётганлигимиздан, яратувчилик меҳнатининг асосий қисмини ўз елкамизда кўтариб бораётганлигимиздан хамда энг дадил режаларни амалга ошираётганимиздан қувонамиз ва фахрланамиз. Владимир Ильич Ленин бизга меҳнат унумдорлиги оқибат натижада янги ижтимоий тузумнинг ғалаба қозониши учун асосий омилдир, деб таълим берган эди. Шу сабабли ҳар биримиз ижодий ишлашга, меҳнатимизни янада унумли қилишга интилмоқдамиз.

Ватан бахт-саодати йўлида меҳнат қилиш ҳаётимиз мазмунидир. Меҳнат биз учун мамнуният ва шодлик манбаи бўлиб қолди. Меҳнатимиз тобора самарали бўлаётганига, А. М. Горький айтганидек, санъат даражасига кўтарилаётганига ишонч ҳосил қилмоқдамиз. Беш йиллик планнинг тақдири ҳар биримизнинг ишимизга боғлиқ эканлигини ҳис этиб, ишнинг уддасидан чиқиш учун ҳамма чораларни кўрмоқдамиз.

Ишларимиз эса ҳақиқатан ҳам улкан, уни бажаришга биз, тўқимачилик машиналарини яратувчилар ҳам ўз ҳиссамизни қўшмоғимиз керак. Беш йилликда биз тўқимачилик саноати учун 12 хил янги машинани ишлаб чиқамиз ва жорий этамиз. Беш йил ичида корхонамизда меҳнат унумдорлиги 47,4 процент ошади. Яъни ҳозир ҳар куни 5 та машина чиқараётган бўлсак, 1970 йилда ҳар куни 7 та машина ишлаб чиқарадиган бўламиз.

Агар биз 1965 йилдаги суръатлар билан ишлайдиган бўлсак, беш йиллик план топшириқларини бажариш учун завод коллективи 1632 киши кўпайиши керак. Лекин биз ўзимиз уддалаймиз, деган қарорга келдик. Бунинг учун бизда техника базаси, тажриба, маҳорат, билим, ирода ва Ватаннинг ҳар қандай топшириғини намунали бажариш учун қатъият — демак зарур нарсаларнинг ҳаммаси бор.

Улуғ Лениннинг васиятларини амалга ошираётганлигимизни ҳис этиш бизни руҳлантирмоқда, янги меҳнат ғалабаларига ундамоқда.

Владимир Ильич Ленин бутун умрини халқ бахт-саодати учун курашга бағишлади. Мамлакатимизда нимаики бажарилаётган бўлса — ҳаммаси инсон учун, инсон бахт-саодати учун қилинмоқда.

Шунинг учун ҳам қалбимиз жонажон ленинчи партиямизга муҳаббат ва ундан миннатдорлик ҳис-туйғулари билан тўлиб тошгандир. Биз, коммунистик меҳнат бригадаларининг аъзолари ўзимизда, севимли Ватанимиз учун яна нималар қила оламиз, деб сўрадик. Коммунизмнинг моддий-техника базасини яратишга қўшадиган улушимизни кундан кунга кўпайтириш учун ижодий ишлаш, юксак унум билан меҳнат қилиш бизнинг бурчимиз эмасми, ахир.

Ўн уч ойдан сўнг Улуғ Октябрь ғалаба қилган кунга ярим аср тўлади. Бутун мамлактимизда ана шу шонли санани кутиб олишга тайёргарлик кетмоқда, беш йиллик планни муваффақиятли бажариш учун социалистик мусобақа янги куч билан авж олмоқда. Завод ва фабрикаларнинг коллективлари янги-янги резервларни ишга солмоқдалар, ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини оширишга, техника тараққиёти суръатини тезлатишга бутун чоралар билан интилмоқдалар.

Умумхалқ ишига муносиб ҳисса қўшишни ,тарихий санани меҳнатда, коллективимизнинг социал тараққиётида янги муваффақиятлар билан кутиб олишни биз, ишчилар, ўзимизнинг муқаддас бурчимиз деб биламиз.

**● Биз коммунистик меҳнат бригадаларига ва бундай фахрли номни қўлга киритган бошқа коллективларга Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги номини олиш учун мусобақа бошлашни таклиф этамиз.**

Ишчилар синфининг гвардиячилари деган ном зиммага кўпгина вазифалар юклайди. Бундай гвардиячилар гражданлик, ва маънавий фазилатлар эгаси, юксак коммунистик онг эгаси бўлмоғи, ҳар ишда кишиларга намуна бўлмоғи, бир жойда тўхтаб қолмай, суръатни сусайтирмаган ҳолда доимо олға ҳаракат қилмоғи керак. Совет ҳокимиятининг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш учун мусобақага қўшилган бригадалар доимо Ўзбекистон меҳнаткашларининг диққат-эътибори марказида бўлсин. Қабул қилган мажбуриятимиз учун юксак гражданлик ва манаъвий маъсулиятни муттасил ҳис қилиб турайлик ва унинг қандай бажарилаётганлиги ҳақида ҳисобот бериб борайлик. Бу мажбуриятларнинг бажарилишини кенг жамоатчилик, барча меҳнаткашлар контроль қилиб турсинлар.

Биз ўз кучимизни, имкониятларимизни пухта чамалаб кўрдик, резервларни ҳисобга олдик ва коллектив бўлиб муҳокама қилгач, социалистик мажбурият қабул қилдик.

Биз ўз олдимизга нимани мақсад қилиб қўйдик? Аввало меҳнат ва ишлаб чиқаришни илмий асосда ташкил этишни кенг жорий қилиш, технологияни такомиллаштириш йўли билан, ишчилар сонини кўпайтирмаган ҳолда беш йиллик топшириқларини бажаришни ва меҳнат унумдорлигини бир мунча оширишни мақсад қилиб қўйдик. Биз икки йиллик планни муддатидан олдин, 1967 йил 25 октябргача бажаришга қатъий сўз берамиз.

Машиналарни ишлаб чиқаришга кетадиган меҳнат сарфини камайтириш топшириғини ҳар йили ошириб бажаришни ўз бурчимиз деб ҳисоблаймиз. Металл ва бошқа материалларни тежаб сарфлаймиз. 500 сўмлик қирқиш ва ўлчаш асбобларини тежаб қоламиз. Ҳар бир иш жойида меҳнатни илмий асосда ташкил этамиз, ишлаб чиқариш чиқимларини камайтирамиз, кашфиётчилик ва рационализаторлик соҳасида ижодий иш олиб борамиз.

Ўз билимимизни ошириш, ўқиш, ишчилар синфининг ёш авлодини тарбиялаш каби муҳим вазифаларимиз ҳам борки, мажбуриятда бу вазифаларимиз ҳам қайд этилган.

Ҳар биримиз улуғ Ленин васиятларига мувофиқ яшаш ва ишлашга ҳаракат қиламиз. Биз Владимир Ильич генниал асарларидан ўрганамиз. Ўзимизни қизиқтирган саволларга бу асарлардан жавоб излаймиз. Бригадаларнинг аъзолари В. И. Ленин асарларидан уй кутубхоналари ташкил қиладилар.

Мактаблардан, техника билим юртларидан ишлаб чиқаришга келган йигит ва қизларни тарбиялаш учун биз ишчилар жавобгармиз. Уларга ўз билим ва тажрибаларимизни ўргатишгина эмас, ёшларда Ватанга садоқат, интизомлилик меҳнатсеварлик, ишга ижодий муносабатда бўлиш каби ажойиб фазилатларнинг шаклланишида уларга ёрдам бериш ҳам бизнинг муқаддас бурчимиздир. Коммунистик меҳнат бригадаларининг ҳар бир аъзоси бир-икки ўсмирга ўз касбини ўргатиш, ёшлар маслаҳатгўй дўстнинг ёрдамини доимо сезиб туришлари учун уларга оталиқ қилиш мажбуриятини олади.

Биз бир-бирига яқин касб-ҳунарларни ўрганишга ва дўстимиз йўқлигида унинг ўрнини босишга доимо тайёр бўлишга сўз берамиз.

Совет ишчиси — илғор киши. У меҳнат фаолиятини жамоатчилик ишлари билан боғлаб олиб боради. Биз завод жамоат ташкилотлари ва яшайдиган жойимиздаги уй комитетлари ва ота-оналар комитетлари, қизил бурчак советлари ҳамда ободонлаштириш бўйича ташаббускор группаларнинг ишида қатнашиш учун кўпроқ вақт ажратишга қарор қилдик.

Кўпчилигимизнинг фарзандларимиз бор. Шу нарса сир эмаски, уларни тарбиялаш ташвишини баъзан мактаблар зиммасига ташлаб қўямиз, оталиқ, оналик бурчимизни етарли бажармаймиз. Энди биз келишиб олдик: ҳар бир киши ўз болаларини тарбиялашга доимий эътибор беради, уларнинг хулқ-атворини ,юриш-туришини, фанларни қандай ўзлаштираётганлигини кўзатиб боради. Оталар, оналар бутун бригада олдида вақти-вақти билан ҳисоб берадилар.

Тарихий сана шарафига биз бошлаётган мусобақа меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш ҳаракатининг янада кучайишига хизмат қилади, партиямиз XXIII съездининг тарихий қарорларини бажариш йўлида катта муваффақиятларга эришишга ёрдам беради, деб ўйлаймиз.

**Ўзбекистон саноат корхоналарининг барча коммунистик меҳнат бригадаларини ва бошқа коммунистик меҳнат коллективларини бизнинг сафимизга қўшилишга, ўз социалистик мажбуриятларини ишлаб чиқиш ва Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги номли деган шарафга эришиш учун социалистик мусобақада актив иштирок этишга чақирамиз.**

Дўстлар! Ленин партияси раҳбарлик қилаётган Советлар мамлакати деярли ярим асрдан буён коммунизм қурилишининг қаҳрамонона йўлидан олға бормоқда. Советлар диёрини янада яшнатадиган, индустриянинг янги гигантларини, янги шаҳарлар ва электростанциялар барпо қиладиган қудратли куч — бизнинг меҳнатимиз, курашимиздир. Бугунги кунда биз яшаётган шаҳар табиий офат етказган жароҳатларни даволамоқда. Мамлакатимиз халқларининг дўстлиги энг яхши даводир. Шахсий қийинчиликларни ҳам, ҳамма тошкентликлар бошига тушган кулфатни ҳам енгишда, мардлик ва жасорат кўрсатишда худди ана шу дўстлигимиз дастлабки дақиқаларданоқ мадад бўлди. Биз, тошкентликлар бу билан фахрланамиз. Тошкентнинг ишчилар синфи, Иттифоқимизнинг ҳамма кишилари бугун бизга қараб турибди. Биз қийинчиликларга бардош бердик, ҳа, бардош берибгина қолмай, янада яхшироқ ,унумлироқ ишлай бошладик. Бизнинг ўрнимиз келажак разведкачилари сафидадир, партиямиз белгилаб берган режаларни муваффақият билан амалга ошириш учун курашувчилар сафидадир. Азиз ўртоқлар, қаҳрамон шаҳримиз меҳнаткашлари коммунистик жамият қуришдан иборат умумхалқ ишига ўз ҳиссаларини янада кўпайтиришлари учун куч ва ғайратимизни аямайлик!

**Ленин орденли «Таштекстильмаш» заводи коммунистик меҳнат бригадаларининг ваколатига биноан:**

М. КУЛЕБОЕВ — **бригадир,** А. КНЯЗЕВ, А. КРОТОВ, А. БАТАЛОВ, В. ЧЕРНЯВСКИЙ, А. ШАРИФБОЕВ, П. ВИНОГРАДОВА, С. ШНЕЙДЕР — **мастерлар;** Ю. РОГУЛЕВ, А. ЛИТВИНОВИЧ, Н. КРАСНИКОВ, Т. ШЕНТАЛИН — **слесарлар;** Ю. КУЗМИН — **расточник,** В. АНДРЕЕВ — **шлифовкачи.**



СУРАТДА: «Киевгорстрой»нинг Тошкентда турар жой биноларн қураётган пешқадам бинокорларидан бульдозерчи Владимир Снегирёв.

М. НУРИДДИНОВ фотоси.

## «САМАРҚАНД» СОВХОЗИДА

Сирдарё областидаги «Самарқанд» номли 28-совхоз энди бир ёшга тўляпти. Совхоз пахтакорлари тўрт минг гектар майдонда «оқ олтин» етиштирдилар. Улар биринчи ҳосилдан гектарига 20 центнердан «оқ олтин» беришга ваъда қилишган.

Бу совхозда бугун йиллик пахта тайёрлаш плани 50 процентдан ошиб кетди. Ҳосилни йиғиб-териб олишда Тошкент тўқимачилик институтининг студентлари катта ёрдам кўрсатишяпти. Совхоз далаларида институтнинг 1570 студенти пахта теряпти. Студентлар орасида зарбдор комсомол бригадалар ташкил қилинган. Фахриддин Юсупов, Ф. Велиев, В. Мўминовлар бошчилик қилаётган бригадаларда студентларнинг ҳар бири бугун 130 килограммгача етказиб «оқ олтин» терди. У. Усмонов эса бугун 240 килограмм пахта терди. Студент К. Қурбонованинг ҳисобига ҳар куни 180-200 рақамлари ёзилмоқда.

Бугун институтнинг студентлари 98 тонна пахтани хирмонга тўкдилар. Мавсум бошидан бери улар териб берган пахта минг тоннадан ошиб кетди.

## „ОҚ ОЛТИН" ИШҚИДА

Бугун Тошкент Давлат консерваториясининг тўрт мингга яқин ўқитувчи ва студентлари Сирдарё областидаги Герман Титов номли 6-совхоз далаларида «оқ олтин» дурдоналарини териб бериш учун жўнаб кетдилар.

Консерваторияда 9 та концерт бригадаси ташкил қилинган эди. Улар қурувчилар хузурида бўлиб, ўнлаб мароқли концертлар беришди. Ленинград, Москва, Грузия, Украина бинокорлари бўлажак санъаткорларнинг концертларидан баҳраманд бўлдилар. К. Азимов, М. Полонский, М. Тошмуҳамедовлар бадиий раҳбарлигидаги концерт бригадалари неча минглаб кишиларни хушнуд этди.

**Шаҳар ижроия комитетида**

## МАРКАЗНИ ҚАЙТА ҚУРИШ ТЎҒРИСИДА

**Меҳнаткашлар депутатлари шаҳар Совети Тошкент шаҳри марказида қуриладиган бир қанча микрорайонлар проектларини тасдиқлади.**

**Ц-1 ва Ц-2 Микрорайонларнинг ўзидагина 1967 йилда 100—110 минг квадрат метр хажмида уй-жой қурилади. Бу микрорайонларда асосан 4 ва 9 қаватли уйлар қурилади.**

**Бу микрорайонларда маданий-маиший хизмат кўрсатувчи объектларнинг бутун бир комплекси, шу жумладан озиқ-овқат, саноат моллари, музика асбоблари, «Болалар дунёси», парфюмерия галантерея магазинлари, китоб дўконлари, кафе, почтамт, сартарошхоналар, аптека, фото студиялар қурилиши кўзда тутилган.**

**Тошкент шаҳри марказидаги микрорайонларда қуриладиган биноларнинг сифатига, архитектура жиҳатдан чиройли бўлишига катта эътибор берилади.**



Тамара Пахтаева билан Валентина Акишина Тошкент шаҳарлараро телефон станциясида электромеханик бўлиб ишлашади. Улар ҳақида гап кетганда ҳамкасб ўртоқлари «Қизлар жуда яхши ишлашяпти» дейишади.

Л. ГЛАУБЕРЗОН фотоси.

## ОБ-ҲАВО

Шу кеча-кундузда Тошкентда ҳаво бироз булутли бўлса-да ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади.

Бугун кечаси 5-7, эртага кундузи 23-25 даража иссиқ бўлади.

## «ТОШКЕНТ» СЕЙСМИК СТАНЦИЯСИ ХАБАР БЕРАДИ

Бугун сейсмик станциянинг асбоблари соат 00 дан 59 минут ўтганда 2 балли куч билан ва яна 2 баллга яқин куч билан ер силкинишларини қайд этди.

## МЕНИНГ ВАТАНИМ

Бугун Тошкент хроникаль ва ҳужжатли фильмлар студиясининг бир группа киночилари «Ўзбекистон беш йиллиги» совхозига етиб бордилар. Киночилар совхоз далаларида машина теримини суратга оладилар.

Бу кадрлар Улуғ Октябрь социалистик Революциясининг 50 йиллигига бағишлаб тайёрланаётган «Менинг Ватаним» номли ҳужжатли, тўла метражли, кенг экранли фильмга киритилади.

Фильмни сценарий автори ва режиссёр И. Капалин, ёзувчи Ю. Каравкин, оператор В. Воронковлар тайёрлашмоқда. Киночилар янги фильмнинг учдан бир қисмини суратга олиб бўлишди. Тошкентда умри битган эски биноларнинг бузилиши, янги уй-жойларнинг бунёд бўлиши ҳақида ҳам кўпгина расмлар суратга олинди. Операторлар эрта-индин Олмазор кўчасида истиқомат қилувчи олижаноб киши Қурбон ота Бекмуҳамедовнинг уйида бўлишади. Улар бу уйда истиқомат қилаётган 102 студентни экранда акс эттирадилар.

Фильм ижодкорлари шундан кейин Фарғона областига бориб, машҳур аскиябозларнинг даврасига қўшиладилар, ирригаторларнинг ишларини кино объектларига туширадилар.

Ўзбекистон қудратини ва унинг ёрқин жамолини мадҳ ва тараннум этувчи бу фильм келгуси йилда намойиш қилинади.

